



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI**

100031, Toshkent shahar, Mirobod ko‘chasi, 15-uy. Telefon: (+998 71) 239-41-21

[www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz) e-mail: [info@mehnat.uz](mailto:info@mehnat.uz), [mehnat@exat.uz](mailto:mehnat@exat.uz)

№01/00-03/18-1557

“ 17 ” 02 2022 yil

**O‘zbekiston transport, yo‘l va kapital  
qurilish, qurilish industriyasi xodimlari  
kasaba uyushmasi Respublika  
Kengashiga**

O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazir 2022- yil 3-fevraldagi AN-42/07-sonli xatga javoban quyidagilarni ma’lum qiladi.

O‘zbekiston transport, yo‘l va kapital qurilish, qurilish industriyasi xodimlari kasaba uyushmasi Respublika Kengashi hamda “O‘zmaxsusmontajqurilish” aksiyadorlik kampaniyasi o‘rtasida ijtimoiy-iqtisodiy masalalarga oid 2022-2024-yillar uchun tuzilgan tarmoq kelishuvi O‘zbekiston Respublikasi mehnat kodeksining 51-moddasiga asosan B-46-son bilan bildirish ro‘yxatidan o‘tkazildi

Ilova: \_\_\_ varaqda.

Vazir o‘rinbosari

B. Umurzakov



Aksiyaдорлик kompaniyasi

O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH



**“Ўзмаҳсуcмонтажқурилиш” Акциядорлик  
компанияси**

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва  
капитал қурилиш, қурилиш  
индустрияси ходимлари касаба  
уюшмаси Республика Кенгаши**

## **ҚЎШМА ҚАРОРИ**

### **2022-2024 йиллар учун тузилган Тармоқ тариф келишувини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Касаба уюшмалари тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун имзоланган Бош Келишуви ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиб, ижтимоий шерикчилик тамойилларни, ишчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш мақсадида “Ўзмаҳсуcмонтажқурилиш” Акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Ўзмаҳсуcмонтажқурилиш” Акциядорлик компанияси тизимидаги ташкилотлар ходимларини меҳнат шaroитлари, уларга тақдим этиладиган ижтимоий имтиёз ва кафолатлар тўғрисидаги 2022-2024 йиллар учун тармоқ тариф Келишуви ижро учун қабул қилинсин.

2. Келишувни Иш берувчилар номидан имзолаш “Ўзмаҳсуcмонтажқурилиш” Акциядорлик компанияси бошқарув раиси А.Х.Шодиев ва меҳнат жамоалари номидан касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси А.К.Нугмановга топширилсин.

3. “Ўзмаҳсуcмонтажқурилиш” Акциядорлик компанияси таркибига кирувчи барча ташкилотларнинг раҳбарлари ва касаба уюшма ташкилотлари раисларига Келишув билан ўрнатилган икки томонлама мажбуриятларни жамоа шартномаларига киритиш ва уларни бажариш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назорати “Ўзмаҳсуcмонтажқурилиш” Акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тузилган доимий асосда

фаолият кўрсатувчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссиясига юклатилсин.

**“Ўзмаҳсусмонтажқурилиш”  
Акциядорлик компанияси**

 **А.Х.Шодиев**




2022 йил « 03 » февраль

№ 1

Тошкент ш.

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва  
капитал қурилиш, қурилиш  
индустрияси ходимлари қасаба  
уюшмаси Республика Кенгази раиси**



 **А.К.Нугманов**

2022 йил « 3 » февраль

№ 5-4 исч

Тошкент ш.

**«Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасидаги 2022-2024 йиллар учун**

**ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

«Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (бундан буён – Республика Кенгаши) ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида ходимларнинг меҳнат, иш ҳақи, уларнинг бандлиги ва ижтимоий кафолатлари борасида музокаралар олиб бориш, келишув ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқини тан олади ҳамда ушбу Тармоқ келишувининг тарафлари бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Тармоқ келишуви (бундан буён – Келишув) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Касаба уюшмалари тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун имзоланган Бош Келишув (бундан буён-БК) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги шартлар тизимдаги барча ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва имтиёзларининг энг қуйи даражасини кафолатлайди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини кўтаришга доир гояларини сўзсиз бажарилиши зарурлигини тасдиқлаб, ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш, ходимларни ҳаёт даражасини муттасил ошириш, корхоналарда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш учун самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб, ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи мазкур тармоқ тариф Келишувни туздилар ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар:

**I. Тарафларнинг ҳамкорликдаги мажбуриятлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ва қилинадиган Ҳалқаро Меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш ва ҳар йили бажаралишини таҳлил қилиб бориш:

- “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция ва шу Конвенцияга Баённома;
- “Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги 47-сонли Конвенция;
- “Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 52-сонли Конвенция;
- “Меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 81-сонли Конвенция;
- “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенция;
- “Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида”ги 98-сонли Конвенция;

- “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;
- “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
- “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция”;
- “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;
- “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги 122-сонли Конвенция;
- “Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида”ги 135-сонли Конвенция;
- “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция”;
- “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция;
- “Халқаро меҳнат нормалари қўлланишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатшувлар тўғрисида”ги 144-сонли Конвенция;
- “Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисида”ги 154-сонли Конвенциясилар.

2. Томонлар мазкур Келишувида ходимлар учун ўрнатилган меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий қафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи ижтимоий шерикликнинг норматив ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда Келишувга амал қилиб, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

2. Келишув «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК тасарруфидаги барча корхоналари ходимлари ҳамда касаба уюшмаси кўмиталарига татбиқ этилиб, корхоналарда тузиладиган жамоа шартномалари учун асос бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 9-моддасига мувофиқ, касаба уюшмаси ташкилотлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ҳамда бажарилиши устидан назорат ўрнатади.

5. «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК раҳбарияти касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан ҳамкорликда тармоқ корхоналар раҳбарлари, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳуқуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси раислари учун тизимли равишда меҳнат қонунчилигини бузилишларини олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларида ҳамкорлиги таъминланади (*БКнинг 11-банди*) ва мунтазам равишда ўқув-семинарлар ташкил қилади.

6. 2019 йил 6 декабрда имзоланган “Касаба уюшмалари тўғрисида” ги Қонуннинг мазмун моҳиятини кенг тарғиб қилади, шунингдек, Қонуннинг 9-моддасига кўра “Касаба уюшмалари ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақил” эканликларини ҳамда 34-моддасига асосан “Жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш” каби ҳуқуқларига қатъий амал қиладилар.

7. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва Жамият вакиллари билан давра суҳбатлари, жамоатчилик эшитувларини ташкил қилади (*БКнинг 68-банди*).

8. Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг корхона ва ташкилотларида ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш (*БКнинг 17-банди*);

9. Тармоқ миқёсида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизми ривожлантириш ишларини давом эттириш (*БКнинг 21-банди*);

10. Тарафлар касаба уюшмаси томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатларга доир киритган тақдимномаларини Иш берувчилар кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этилганда Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашадилар (*БКнинг 12-банди*).

11. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Муассасаларда ходимлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196 рақам билан рўйхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қўйидаги тоифалари мазкур Келишувга кўра касаба уюшмаси кўмитасининг қарори билан ходимлар вакиллари деб эътироф этиладилар ва ҳамкорлик қиладилар:

- а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари;
- в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

12. «Ўзмаҳсусмонтажқурилиш» АК раҳбарияти касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан ҳамкорликда корхоналарида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам кўрсатади, уларнинг бандларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг долзарб масалаларнинг киритилишига эришади ҳамда бажарилишини назорат қилади.

13. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва меҳнат манфаатларига дахлдор бўлган норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Республика Кенгаши билан келишиб олинади («Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси).

14. «Ўзмаҳсусмонтажқурилиш» АК ва унинг тасарруфдаги корхоналар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 24-моддасига биноан “Иш берувчи ходимларнинг вакиллик органлари олдидаги мажбурияти” талабларига тўлиқ риоя этади.

15. Асосий ишидан озод этилмаган касаба уюшма кўмитаси раисига меҳнат жамоасининг манфаатларини кўзлаб жамоатчилик вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафталик иш вақтининг 30 фоизидан кам бўлмаган вақт, шунингдек, касаба уюшмасининг йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиши учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда вақт берилади. (*«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни, 18-моддаси*).

16. «Ўзмаҳсусмонтажқурилиш» АК ҳайъати таркибида ва тасарруфидаги муассасаларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалаларига оид қарорлар қабул қиладиган коллегиал органи таркибига Республика Кенгаши раиси ҳамда касаба уюшма кўмитаси раислари киритилади.

17. «Ўзмаҳсусмонтажқурилиш» АК ва унинг тасарруфидаги корхоналарида ишга янги қабул қилинган ходимларни дастлаб касаба уюшмаси кўмитасида танишув суҳбатидан ўтиши йўлга қўйилади.

18. Иш берувчи асосий ишидан озод этилган касаба уюшма кўмитаси учун зарур иш шароитларини яратади, кабинет ва зарур жиҳозлар билан таъминлайди,

шунингдек, касаба уюшмаси ишларини бажариши учун барча имкониятларни яратиб беради.

19. Тизимдаги ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорига тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

20. Томонлар меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида барча вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси билан тизимли ишларни амалга оширади (*БКнинг 11-банди*).

21. Юридик шахсларни тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этиб, уларга қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашади (*БКнинг 35-банди*).

22. Тарафлар Давлат ва касб байрамлари ҳамда 11 ноябрь “Касаба уюшмалари куни” байрамини ҳамкорликда муносиб нишонлайдилар.

## II. “Иш берувчи”нинг мажбуриятлари

Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмаси Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид имзоланган 2020-2022 йиллар учун Бош Келишув талабларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга оширишни ўз зиммасига олади:

-Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмаси билан ҳамкорликни таъмилаш;

-Колл марказлар, ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизмининг янада такомиллаштириш;

-тизимда Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи Конвенцияларига риоя этилишига доир тизимини ҳар йили таҳлил қилиб бориш.

## Бандликни таъминлаш соҳасида

23. Ходимларни меҳнат шартномалари ва малакасига биноан тўлиқ бандлигини таъминлайди;

24. Корхоналарда иш ўринларини сақлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, барқарор иш ҳақи ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари яратилишига эришади;

25. Ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида икки ой олдин касаба уюшмаси Республика Кенгашига ахборот тақдим этиб ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришига қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади (*БКнинг 13- банди*);

26. Юридик шахсларни тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни

кайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашади (*БКнинг 3-банди*);

**27.** Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, Куролли кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифалари учун захира иш жойларини яратиш, шунингдек, қайтиб келаётган меҳнат мигрантларини ишга жойлаштириш бўйича амалий чоралар кўради;

**28.** Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишдан олдин касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан розилигини олади ва бу қондани жамоа шартномасида акс эттиради (*МКнинг 101-моддаси*);

**29.** Технологиядаги ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда:

- ходимлар штатини қисқартириш жараёнида ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқга эга ходимларни аниқлаб, уларни розилигига асосан, меҳнат фаолиятини бошқа тўғри келадиган лавозимда ишлаш имконини беради (*МКнинг 103-моддаси*);

- ходимларни ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ахборотни касаба уюшмаси кўмитасига камида икки ой олдин тақдим қилади (*МКнинг 102-моддаси*) ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади.

**30.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3706 сонли Фармонида мувофиқ корхоналарда касаначиликни ташкил этиш шартларини, шу жумладан, касаначилар билан меҳнат шартномаларини тузиш тартибини, уларга хом-ашё ва материаллар бериш, меҳнатига ҳақ тўлаш ва муҳофаза қилиш, тайёр маҳсулотларни сотилишини, касаначиларни ижтимоий суғурта қилиш ҳамда касаначилар меҳнатидан фойдаланаётган иш берувчилар учун белгиланган солиқ имтиёзлари қўлланилишини таъминлайди;

**31.** Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йил 29 июлда 1990 сон билан рўйхатга олинган "Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши таъқиқланадиган ноқулай меҳнат шароитли ишлар рўйхати", Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган "Энг кичик ёш тўғрисида"ги 138-сонли Конвенция ҳамда "Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида"ги 182-сонли Конвенциялари талаблари бажарилишини таъминлайди;

**32.** 18 ёшга етмаган шахслар учун қонунчиликда ўрнатилган меҳнат муҳофазаси, иш вақти, меҳнат таътили ва бошқа қўшимча имтиёз ва кафолатларни тақдим этилишини таъминлайди.

#### **Иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида**

**33.** Ходимлар учун беш кун иш ва икки кун (шанба ва якшанба) дам олиш кунидан иборат иш ҳафтасини ўрнатади;

**34.** Меҳнат жараёнида соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақти ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати ўрнатади.



Корхонада бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати – жамоа шартномаларида белгиланади. (МКнинг 117-моддаси).

**35.** Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонулар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шarti билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади. (МКнинг 119-моддаси).

**36.** Йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси қўмитаси келишиб тасдиқланган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилинади.

**Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:**

-ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эрақлар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

-I ва II гуруҳ ногиронларига;

-1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

-ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

-таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (МКнинг 250-моддаси);

-жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эрақларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (МКнинг 144-моддаси)

**37.** Ходимнинг аризасига кўра унга **иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил** берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, **иш ҳақи сақланмаган** ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;
- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (МКнинг 232-моддаси);

- меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда (*МКнинг 150-моддаси*).

**38.** Барча тоифадаги ходимларга олти кунлик иш ҳафтаси ҳисоби билан давомийлиги 18 кундан кам бўлмаган асосий меҳнат таътилини беради;

**39.** «Ўзмонтажмахсускурилиш» АК тизимидаги корхона ва ташкилотлар ходимларига иш стажи учун 1 кундан 7 кунгача қўшимча меҳнат таътилини тақдим этади, бунда қўшимча таътиллари бериш тартибини жамоа шартномаларида белгиланади;

**40.** Биринчи никоҳдан ўтаётган ходимларга, фарзандлари никоҳдан ўтишларида, фарзанд тугилганда (отасига) ва якин қариндошлари (отаси, онаси, умр йўлдоши, фарзанди, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари) дафн этишларида ҳақ тўланадиган уч кунлик таътилни беради;

**41.** Меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун Меҳнат Кодексининг 137-моддаси ва иш жойларни шаҳодатлаш натижаларига асосан ходимларга йиллик қўшимча таътил беради. Қўшимча таътилни аниқ муддати ва қўшимча таътил тақдим этиладиган лавозимлар рўйхатини жамоа шартномасида белгиланади;

**42.** Ҳомиладор ҳамда ёши 14 ёшгача (ногирон 16 ёшгача) фарзанди бор аёлларга, тиббий ҳулосага кўра касал оила аъзосини парвариш қилаётган ҳамда таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга қисқартирилган иш кунини ёки иш ҳафтасини белгилайди;

**43.** Ходимни аризасига кўра (давомийлиги тўғрисида ўзаро келишилган бўлиб) иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилни беради, бунда ушбу таътилни муддати икки ҳафтадан кўп бўлган вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшади (*МКнинг 142-моддаси*);

**44.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бералади (*МКнинг 249-моддаси*);

**45.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисидаги Фармонларига биноан қўшимча дам олиш кунларининг берилиши муносабати билан ходимларнинг йиллик асосий ва қўшимча таътиллари давомийлигини ўзгартирмайди.

#### **Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва ходимларнинг турмуш даражаси**

##### **соҳасида:**

Ходимлар даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб бориш, уларни ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтириш, мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида ходимларнинг реал иш ҳақининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш мақсадида:

**46.** Ходимларга иш ҳақи ҳисоблашни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 775-сонли қарори асосида амалга оширади.

Корхонада иш ҳақи ҳисоблашда бошқа тариф сеткаси қўллаётган бўлса, унинг коэффицентлари Республикада ўрнатилган ягона тариф сеткаси

коэффициентларидан кам бўлмаслиги ва касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилганлигини таъминлайди.

Ходимларга меҳнат ҳақи миқдори (лавозим маоши) белгиланишида нархларнинг ўзгариши, инфляция даражасини ҳисобга олинган ҳолда кўпайтиради (*МКнинг 52- моддаси*).

47. Қорхонада ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслигини таъминлайди.

48. Ходимларнинг ойлик тариф ставкалари (лавозим маошлари)ни ҳисоблаш учун қўлланаётган ягона тариф сеткаси коэффициентлари кийматини 1,4 баробарга оширади.

49. Зарарли ва оғир иш шароитида ишлаётган ходимларнинг ойлик ставкалари ва лавозим маошларига (3-сонли рўйхат) 12%, ўта зарарли ва ўта оғир шароитида ишлаётган ходимларнинг тариф ставкаларига (2-сонли рўйхат) 24% устамалар белгилайди.

50. Ходимларнинг ўртача иш ҳақини қўшимча тўловлари ҳисоби билан ярим йиллик ва йил якуни бўйича Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баробаригача етказишга эришади.

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Табиий-иклим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга биноан ходимларга оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун қўшимча устамалар ва меҳнат таътиллари ўрнатилади.

52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрь 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар билан боғлиқ устамалар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда белгиланади ва жамоа шартномасига киритилади.

53. Молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда номинал иш ҳақи миқдорини (барча тўлов ва устамаларни инобатга олган ҳолда) Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баробаридан кам бўлмаслигига эришади.

54. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (жамғармаси)да кафолатланган тариф қисмининг 60 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлайди.

55. Жамоа шартномаларида иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунларида ишлаган ходимлар учун ҳақ тўлаш тартибини белгилайди (*МКнинг 157, 158 ва 159-моддалари*).

56. Ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган, айбсиз бекор туриб қолган вақтида унинг ўртача иш ҳақини сақланишини кафолатлайди (*МКнинг 165-166-167-моддалари ва Ўз.Рес. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорининг 5-шловаси*).

57. Ҳар ойда ҳисобланган иш ҳақи ва ушлаб қолинган солиқ ва бошқа мажбурий ушлаб қолинадиган тўловлар тўғрисида ходимларга ёзма шаклда хабар беради.

58. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатларини конун ҳужжатлари, жамоа шартномалари, шунингдек меҳнат

шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда қоплайди (*МКнинг 171, 172, 173- моддалари*).

**59.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддасига мувофиқ иш ҳақини ўз вақтида тўлайди.

**60.** Юқори малакали ва Устозлик қилаётган ходимларни ойлик иш ҳақи ва лавозим маошларига камида 20 фоиз миқдорда устама белгилайди.

**61.** Иш ҳақи миқдорини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ оширади.

**62.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аниқ тизими ва шакллари, ходимларни юқори иш кўрсаткичлари учун рағбатлантириш ҳамда давлат байрамлари ва юбилей саналари муносабати билан тақдирлаш тартибини жамоа шартномаларида белгилайди (*МКнинг 180-моддаси*).

**63.** Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларида бажарилган ишлар учун камида 2 хисса миқдорда иш ҳақи тўланишини таъминлайди (*МКнинг 157-моддаси*).

**64.** Тунги вақтида ишлаганлиги учун ходимга ҳар бир соати учун камида 1,5 баробар миқдорда иш ҳақини тўлайди (*МКнинг 158-моддаси*).

**65.** Ходимнинг айбисиз бекор туриб қолган вақти учун унга ўртача иш ҳақини тўлайди (*МКнинг 159-моддаси*).

**66.** Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун иш ҳақини ўрнатилган меъёрлардан 40 фоизи миқдорда тўлайди (*МКнинг 159- моддаси*).

**67.** Бир неча касбда(лавозимда) ишлаганлик ва ўриндошлик асосида ишлаганлик учун ҳамда хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга кўра белгиланади (*МКнинг 160-моддаси*).

**68.** Ходим иш берувчининг розилиги ва унинг ёзма топшириғи билан меҳнат вазифаларини бажариш учун ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда, транспорт воситалари ёки бошқа мулкнинг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатларини ўзаро келишилган миқдорда қоплайди (*МКнинг 173 моддаси*).

**69.** Зарарли ва оғир иш шароитида ишлаётган ходимларнинг ойлик ставкалари ва лавозим маошларига (3-сонли рўйхат) 12%, ўта зарарли ва ўта оғир шароитида ишлаётган ходимларнинг тариф ставкаларига (2-сонли рўйхат) 24% устамалар белгилайди.

**Автотранспорт ҳайдовчиларнинг иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2013 йил 9 сентябрда 2506-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2013 йил 23 августдаги 64-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган “Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг иш вақти ва дам олиш вақти тўғрисида”ги Низомга биноан ҳайдовчилар учун иш ва дам олиш вақтини қуйидаги тартибда белгиланади:

**70.** Ҳайдовчилар учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соат.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида - саккиз соатдан оширилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ҳайдовчилар учун камида бир соатга қискартирилади.

71. Ҳайдовчиларга тунги вақтдаги ишларнинг муддати соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт ҳисобланади.

Агар ҳайдовчи учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

72. Ҳайдовчиларнинг бир суткадаги бошқарув даври тўққиз соатдан ортик бўлмайди.

73. Ҳисобга олинadиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан иш вақтини жамлаб ҳисобга олинади. Бунда ҳисобга олинadиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса - ўн икки соатдан ортмайди (*МКнинг 123-моддаси*).

74. Ҳайдовчининг иш вақти таркибига қуйидагилар киритилади:

-линияга чиқиш олдидан ва линиядан қайтгандан сўнг ишларни бажариш вақти;

-смена бошланиши олдидан ва яқунланганидан сўнг йўлда (тўхтаб туриш жойида) ишларни бажариш учун тайёргарлик ва яқунлаш ишларини бажариш вақти;

-ҳайдовчиларнинг бир сменада беш дақиқагача рейсолди тиббий кўриқдан ўтиш вақти;

-автотранспорт воситасининг йўналиш (линия)да ҳаракатланиш вақти;

-тўхтаб туриш вақти: йўловчиларни чиқариш ва тушириш жойларидаги вақти;

-ҳайдовчининг айбисиз бўш туриб қолинган вақти;

-йўналишдаги якуний пунктларда қатнов жадвалида кўзда тутилган қисқа муддатли тўхтаган вақти.

75. Ҳайдовчилар учун қуйидаги дам олиш тартиби ўрнатилади:

-иш сменаси мобайнида дам олиш ва овқатланиш учун танаффусга чиқиш (тушлик танаффуси);

-ҳар кунлик (сменалараро) дам олиш;

-ҳар ҳафталик дам олиш (дам олиш кунлари);

-байрам кунларида дам олиш;

-ўрнатилган тартибда таътилга чиқиш.

76. Ҳайдовчиларнинг ҳар ҳафталик дам олиши узлуксиз қирқ икки соатдан кам бўлмаслиги таъминланади.

77. Иш вақтини умумлаштирилган тарзда ҳисоб-китоб қилиш ҳайдовчиларга, ҳар кунлик дам олиш кунлари смена графикларига асосан ҳафтанинг турли кунларида белгиланади.

78. Ҳайдовчиларга йиллик таътил бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар қасаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

### **Меҳнат муҳофазаси соҳасида**

79. Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2022 - 2024 йиллар учун Дастурни қабул қилиб, бунда корхоналарда “яшил иш ўринлари”ни, яъни муносиб меҳнат шароитларини таъминловчи иш ўринларини яратади.

80. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунига биноан, ходимни ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши,

касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта қилади.

**81.** Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 14.08.1996 йил 272-сон ва 273-сон билан рўйхатга олинган “Мехнатни муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш ишларини ташкил этиш тўғрисида” ва “Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги намунавий Низомлари асосида ўз Низомларни тасдиқлаб, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасига доир ишларни ташкил этади ва молиялаштириш учун маблағ ажратади.

**82.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га биноан меҳнатни муҳофаза қилиш фондини ташкил қилиб, унинг ҳисобига ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чоратadbирларни молиялаштиради;

**83.** Меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузади (меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чоратadbирлари режаси ва сарф-харажатлар сметасига киритади) ва касаба уюшмаси билан келишган ҳолда жамоа шартномасига илова қилинади.

"Битим"ни бажарилиши учун зарур маблағ билан молиялаштиради, бунда ҳар бир ишчига сарфланадиган маблағ Республика кўрсаткичидан кам бўлмаслигини таъминлайди.

**84.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил 15 сентябрдаги “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 263-сонли қарорига мувофиқ иш жойларини 5 йилда бир мартаба аттестациядан ўтказилади.

**85.** Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ёки касб касаллигига чалиниш натижасида вафот этганда марҳумнинг оиласига олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлайди, ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганда эса унинг 1 йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлайди (*МКнинг 194-моддаси*).

**86.** Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис-техник ходимларни 3 йилда бир марта ўқитиб, шаходатлантиради. Зарарли ва оғир шароитда ишлайдиган ишчиларни ҳар йили бир марта ўқитади ва шаходатдан ўтганларга ишлашга рухсат берувчи гувоҳномалар корхонанинг доимий ҳаракатдаги ҳайъати томонидан берилишини таъминлайди.

**87.** Автомобиль ҳайдовчилар учун 2 йилда бир мартаба 30 соатлик техминимум бўйича ўқишни ташкил қилади.

**88.** Ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимни жорий этади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

**89.** Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилади.

**90.** Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозимини жорий этади.

Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилишини ташкил этиши мумкин.

**91.** Ходимларни соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини ташкил этиш учун амалдаги меъёрларга мувофиқ келадиган санитария-гигиена хоналари билан таъминлайди.

**92.** Саноат ёки ёнғин хавфсизлиги қондаси ходимларнинг айбисиз бузилиши оқибатида улар ишни тўхтатишга мажбур бўлган ҳолатларда, уларга иш тўхтатилган ҳар иш куни учун ўртача иш ҳақини тўлайди.

**93.** Меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Ходимларни ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиким қилдирмайди.

**94.** Меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озик-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув (иссик цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлайди.

**95.** Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олишини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтишини, малака оширишини ва билимлари текширилишини таъминлайди.

**96.** Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ва умумий белгиланган пенсия ёшига етган шахсларнинг, ногиронларнинг, шунингдек, бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилишини ташкил этади. Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чикимдор бўлмайдилар.

**97.** Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиниши, шунингдек, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинишини таъминлайди.

**98.** Барча ишга кираётган, шунингдек, бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларини ўқитиш ишлари ташкил этилади.

**99.** Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш жараёнидаги ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

**100.** Тегишли хизматларни ташкилий-услубий ҳамда зарур техник меъёрий қўлланмалар махсус адабиётлар, кўргазмали қурооллар, ташкилий техника асбоблари, хавфсизлик техникаси хоналари билан таъминлайди ва меҳнат шароитларидан келиб чиққан ҳолда, йиллик тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш учун маблағ ажратади.

**101.** “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови”да қатнашади.

**102.** Меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида ёки жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ходимларни чиқимдор қилмаган ҳолда ажратади. Шу билан бир қаторда, алоҳида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фондни ташкил қилади ҳамда уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чоратadbирларни молиялаштиришга сарфлайди.

**103.** Ҳар бир иш жойига мослаб меҳнат шароити бўйича меъёрий талабларни ишлаб чиқиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу меъёрий талаблар ишлаб чиқариш муҳити, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олади.

**104.** Ходимларнинг меҳнат шароити, шунингдек, меҳнат жараёни ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талабларнинг ортиши (ўзгариши) муносабати билан, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнат қобилятларини сақлаб қолиш мақсадида, белгиланган меҳнат шароитларига мунтазам равишда зарур ўзгартиришлар киритиб боради.

**105.** Ҳар бир ходимни иш жойидаги меҳнат шароитларига қўйиладиган меъёрий талаблар, шунингдек, бу шароитларнинг ҳақиқий аҳволи, хусусан, ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартиблари, имтиёзлар ва компенсация тўловлари, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисида хабардор қилиб боради.

**106.** Ташкилотни куз - қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ барча тадбирларни 25 августдан 1 октябргача бажарилишини таъминлайди ҳамда санитария-маиший биноларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди.

**107.** Ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қилади, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиши ҳамда ходимларни дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилишини уларни чиқимдор қилмаган ҳолда ташкил қилади.

**108.** Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилайди ҳамда ўзига хос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитида ишловчилар учун йиллик қўшимча таътилни беради.

**109.** Меҳнат шароити ноқулай, зарарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчиларни гигиена воситалари билан бепул таъминлаш ҳуқуқини берадиган касб ва лавозимлар рўйхатини тузади ва берилишини таъминлайди.

**110.** Корхона худудини ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақлаш, хусусан, юриш, ўтиш йўлакларини ва жойларини талаб этиладиган оралиқ ўлчамлари аниқ белгиланган бўлиши ҳамда уларга қатъий амал қилиниши ва корхонанинг ички транспортдан фойдаланишда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

**111.** Мансабдор шахслар ва инженер-техник ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси, технологик интизом қоидалари талабига, режали-огоҳлантирувчи



таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирация жихозларининг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилинишини таъминлайди.

Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймайди. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан асбоб-ускуналарнинг тегишли жойлари, иссиқ ёки совуқ сув, буғ ва газ қувурларининг ўз вақтида меъёрий хужжатлар талабларида белгиланган рангларга бўялишини таъминлайди.

**112.** Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этади. Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар бир касб ва иш тури бўйича ишлаб чиқилган йўриқномаларга асосан ўз вақтида ходимларни йўриқдан ўтказилишини таъминлайди ва доимий назорат қилади.

**113.** Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларнинг ўқишини улар сайлангандан сўнг бир ой ичида касаба уюшма кўмитаси иштирокида ташкил қилади.

**114.** Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақт ажратади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолади. Меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиради ҳамда ҳар чорак якунига кўра мукофотлайди.

**115.** Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар тўланиши кўзда тутилган миқдорда нафақа ва зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўланиши лозим бўлган ойма-ой тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

**116.** Ходим ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда жароҳатланганда ёки касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганда ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўловни амалга оширади.

**117.** Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши, шунингдек, касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ҳамда ҳисобга олинанишини таъминлайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) шахсларга нисбатан ҳам ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши, касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ва ҳисобга олинанишини таъминлайди.

**118. Касаба уюшмасининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари:**

- ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

- ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф тугилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

- меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилиниши ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек, меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

#### **119. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда:**

- ташкилотнинг таркибий тузилмаси кесимида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия таркибини аниқлайди, уларнинг сайлови, ўқувини (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ташкил этади;

- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловини барча номинациялар бўйича (“меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган ташкилот”, “ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг яхши касаба уюшма ташкилоти”, “энг яхши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил”, “меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис”) ўтказди ва ғолибларни юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этади;

- йил давомида меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларни иш берувчи маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоринининг 2 баробаридан кам бўлмаган миқдорида пул мукофоти билан моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатади. Цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ходимлар номзоди меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тақдирлашга тавсия этади.

#### **Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар тақдим этиш соҳасида**

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида:

**120.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашади.

**121.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан жорий этиладиган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг йўналишлари бўйича Давлат дастурлари доирасида ҳар бир ходимнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга эришади.

**122.** Жамоа шартномалари орқали кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, меҳнат ва уруш фахрийларига моддий ёрдам кўрсатади, корхонада ишлаб пенсияга чиққан ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан ҳар йили «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида умумхалқ хайрия ҳашарларида иштирок этади.

**123.** Бир йўла тўланадиган моддий ёрдам кўрсатади:

а) ходимлар меҳнат таътилига кетаётганда, биринчи бор никоҳдан ўтаётганда – бир ойлик тариф ставкаси ёки лавозим маоши миқдорида;

б) ишлаётган пенсионерлар ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига "Хотира ва кадрлаш куни" муносабати билан – Республикада ўрнатилган базовий ҳисоблаш миқдорининг 8 баробаригача;

в) боласини парвариши учун таътил олган аёлларга - Республикада ўрнатилган базовий ҳисоблаш миқдорининг 6 баробаригача бўлган миқдорида.

**124.** Ходимларнинг юбилей саналари муносабати билан (50, 55, 60 ва 70 ёш) уларга ойлик лавозим маоши (ойлик тариф ставкаси)дан кам бўлмаган миқдорида бир йўла тўланадиган мукофотни тўлайди.

**125.** Чернобиль АЭСдаги ҳалокатни бартараф қилишда қатнашган ходимларга ҳар йили соғлигини тиклаш учун корхонада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатади.

**126.** Меҳнатга вақтинча қобилятсизлик бўйича нафақаларини қуйидаги тартибда тўлайди:

а) иш стажининг давомийлигидан катъий назар вақтинча меҳнатга қобилятсизлик нафақаси иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида:

- ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;

- байналминал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

- Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

- Чернобиль АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўтқир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсимталар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

- ядрополигонлари ва бошқа радиоактив-ядро объектларида хизмат ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга;

- касб касаллиги ёки ишлаб чиқаришда шикастланганлиги муносабати билан ишга қобилятини вақтинча йўқотган ходимларга;

б) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкогология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жисмоний йўл билан

ўтадиган касалликлар, рухий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга меҳнатга қобилиятсизлик варақаси умумий иш стажига даврига боғлиқ равишда – иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорида;

в) коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, хомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

г) бошқа ҳолларда умумий иш стажига қараб иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоиз миқдорида.

127. Икки ёшгача бўлган фарзандини парвариш қилаётган оналарга нафақа пулини корхона ҳисобидан тўлайди.

128. Ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалари тўланишини таъминлайди.

129. Жамоа шартномаларида қуйидаги чораларни белгилайди:

а) ишлардаги муваффақиятлари учун тақдирлаш турлари, уларни қўлланиши тартиби, имтиёз ва кафолатларни тақдим этиш тартиби;

б) кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ишламаётган пенсионерлар ҳамда ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш чоралари;

в) маданият, дам олиш ва спорт масканларни хўжалик харажатларини иш берувчи ҳисобидан молиялаштириш тартиби;

г) ҳомиладор аёллар, 18 ёшга тўлмаган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув муассасаларида ўқиб таълим олаётган ходимлар учун ижтимоий қўллаб қувватлаш чоралари.

### **Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар тақдим этиш соҳасида**

130. Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлайди:

-“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенцияси ва шу Конвенциянинг баённомаси;

“Тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенцияси;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенцияси;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенцияси;

“Энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенцияси;

“Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияси.

131. Жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутаяди, шу жумладан:

-ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

-болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

-ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

-хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

-мактабгача ёшдан то 14 ёшгача фарзандлари бор ёлғиз оналарга 1 соатга кискартирилган иш куни белгилаш;

-узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек, сафарбарлик чақирuvi захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойзсиз ссудалар бериш.

**Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларни оила аъзоларини соғломлаштириш соҳасида:**

**132.** Корхонада солиқлар ва мажбурий тўланадиган тўловларни камайиши натижасида ҳосил бўлган даромади ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиради ва дам олдиради.

**133.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этади, жисмоний тарбия, гимнастика ва спорт билан шуғулланишига шароит яратади.

**134.** Корхоналар ходимлари учун доимий равишда маънавият-маърифат соатларини ўтказди, бунда республикадаги таниқли адабиёт ва санъат усталари, олимлар ва давлат арбоблари билан давра суҳбати ва учрашувлар ўтказди.

**135.** Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобыль АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини корхона ҳисобидан касаба уюшмалари санаторийларида бепул соғломлаштиради.

**136.** Болаларни ёзги мавсумида соғломлаштириш учун тизимли чораларни кўради.

**137.** Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчиларидан етим болаларни, шунингдек, Оролбўйи минтақасида истикомат қилувчи болаларни республиканинг экология жихатидан қулай минтақаларида соғломлаштиришига кўмаклашади.

**138.** Соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида тизимдаги меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган бир нафар ходимга “Спорт тарғиботчиси” кўшимча вазифасини юклаш ва унинг лавозим маошига 20 фойз устама тўлашни ташкиллаштиради.

**139.** Иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) меҳнат жамоасида раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югириш, футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини ташкил қилади.

**140.** Ходимлар учун мамлакатимизнинг Хива, Тошкент, Самарканд, Бухоро, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштиради.

**«Устоз – Шогирд» тизимини такомиллаштириш соҳасида:**

**141.** Профессинал таълим муассасаларининг битирувчилари учун корхонада иш жойларини яратиб, уларга корхона жамоа шартномаси ва бошқа локал ҳужжатларида меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи, иш вақти ва дам олиш вақтлари борасидаги барча ишчилар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар кўламини тақдим этади.

142. Профессional таълим муассасалари битирувчилари ва амалиёт ўтовчи талабаларни малакасини ва иш тажрибасини ошириш мақсадида корхонадаги юкори малакага эга бўлган мутахассисларни Устоз сифатида бириктиради;

143. Профессional таълим муассасалари битирувчиларига бириктирилган Устозлар иш ҳақига ёш кадрларни ўқитиш ва уларни малакасини ортттирганлиги учун ойлик тариф ставкалари ёки лавозим маошларига камида 20 фоизли устама ўрнатади.

144. Корхонага янги ишга жойлашган олий ўқув юрти ёки профессионал таълим муассасалари битирувчиларга Республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш микдорининг 8 баробаригача бир йўла бериладиган моддий ёрдам беради;

145. Профессional таълим муассасалари битирувчилари ва корхонада амалиёт ўтаётган талабаларига меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси бўйича йўриқнома беради, махсус кийим ва пойафзал, химоя воситалари билан таъминлайди;

146. Профессional таълим муассасалари битирувчиларининг корхонада қўнимлилигини таъминлаш мақсадида таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширади.

#### **Ҳар йилда қабул қилинадиган Давлат дастурларини бажарилиши соҳасида**

147. Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиб, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларининг амалга оширилишини таъминлайди;

148. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврўз” ва “Мустақиллик куни” байрамлари арафасида мақсадли тадбирларни ўтказиши;

149. Жамоа шартномалари орқали кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатади;

150. Ходимларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, шунингдек, ўй-жой қуриш учун фоизсиз узок муддатли ссудалар беради;

151. Ўқув йили арафасида корхоналардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув қуроллари харид қилиш харажатларини қоплайди;

152. Фарзандлари 2 ва 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга Давлат байрамлари арафасида Республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш микдорининг 5 баробаригача бўлган микдорида моддий ёрдам кўрсатади;

153. Боласи 16 ёшгача бўлган оналарнинг иш ҳақтасини иш ҳақи сақланган ҳолда 1 соатга қисқартиради;

154. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар қийматини қоплайди.

**Коронавирус ёки бошқа юқумли касалликлар туфайли жорий қилинган карантин чоралари даврида ходимлар учун имтиёз ва қафолатлар тақдим этиш соҳасида:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкирўз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

**155.** Қарантинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни, айниқса хомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказиш, бунда:

-масофавий ишда ишловчи ходим иш вақтини ўз хохишига қўра тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир баравар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади;

-ходимга нисбатан иш вақтидан ташқари иш, дам олиш ва байрам кунларидаги иш, шунингдек, тунги вақтдаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилмайди;

-ходим масофавий ишга, уйда ишлашга ёки мослашувчан иш графигига ўтказилганда унинг таътиллар жадвалига мувофиқ меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун ҳужжатларида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлари сақланиб қолинади.

**156.** Масофавий ишга ўтказиш юзасидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритиладиган ўзгартиришларда Меҳнат кодексининг 73-моддасида назарда тутилган шартлар билан бир қаторда қуйидагилар кўрсатилади:

-**Иш берувчи** ва ходим ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви бўйича ўзаро алоқалар тартиби;

-ходимнинг меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур бўлган жиҳозлар ва техника воситаларидан фойдаланиш тартиби, агар томонлар тарафидан ходимга тегишли жиҳозлар ва техника воситаларидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлса;

-**Иш берувчи** билан доимий алоқаларини таъминлаш мақсадида ходимни алоқа воситалари билан таъминлаш, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиш;

-**Иш берувчи** томонидан ходимга берилган жиҳозлар ва техникаларнинг ходимнинг айби билан бузилганда, етказилган зарарни ходим томонидан **Иш берувчига** қоплаб бериш билан боғлиқ шартлар;

-ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариш учун шахсий жиҳозлар ёки техника воситаларидан, шунингдек, алоқа воситалари, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланган тақдирда харажатларни қоплаш тартиби ва шартлари;

-ходим ва **Иш берувчининг** зарурий меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларига амал қилиш бўйича мажбуриятлари;

-ходимни ишлаб чиқариш зарурияти туғилганда доимий иш жойига ўтказиш шартлари.

**157.** Ходим пандемия вақтида коронавирус инфекцияси билан касалланганда **Иш берувчи**:

-Касаба уюшмаси кўмитасининг тавсиясига қўра Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 баробаридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатади;

-пандемия даврида иш жараёнида касалланган ходимларнинг даволанишига кетадиган харажатлар **Қорхона** маблағлари ҳисобидан қопланади;

-пандемия шароитида ходимнинг оила аъзоларидан касалланиб, даволанаётганларга **Иш берувчи** томонидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади;

-пандемия муносабати билан касаллик юктирган ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан **Корхонанинг** молиявий аҳволидан келиб чиқиб, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланади;

-юкумли вирус касаллигига чалинган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиши, уларнинг даволаниши ва дори-дармонларнинг харажати учун (шу жумладан, ходимнинг болалари касал бўлса) тўловни амалга оширади;

-коронавирус билан оғриб тузалган ходимларни **Корхона** ҳисобидан ҳар 6 ойда бепул тиббий кўриқдан ўтказди;

-ходимларни иш фаолиятлари билан боғлиқ турли юкумли касалликларга чалинишлари мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида огоҳлантирувчи маълумотлар билан таъминлайди, стендлар, таркатма материалларни чоп эттиради;

-меҳнат жамоаси ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида **Иш берувчи** ходимларни иш жойларида антесиптик ва зарур санитария-гигиеник воситалар, никоблар билан таъминлашни, касаллик учун тест таҳлилларини топширишни, юкумли касалликларга қарши вакцина билан эмлашни, шунингдек, иш жойларини, ошхонани, ювиниш хонасини, ҳожатхонани, ишчиларни ташувчи транспорт воситаларини дезинфекция қилиш ишларини **Корхона** ҳисобидан амалга оширади.

**158.** Пандемия даврида касалланиб вафот этган ходимларнинг оиласига молиявий имкониятдан келиб чиқиб Иш берувчи ёки Касаба уюшмаси қўмитаси маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам ажратилади.

**159.** Ҳукумат ёки Махсус комиссия томонидан карантин эълон қилинганда ходимга қисман ҳақ тўланган ҳолда Иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишув орқали белгиланган муддатга таътил тақдим этилади. Бунда ходимга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

**160.** Коронавирус пандемияси даврида ходимнинг асосий меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажини ҳисоблашда иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган давр ҳам инобатга олинади.

### **III. “Касаба уюшмаси” мажбуриятлари**

**161.** Ўз Уставига биноан мазкур Келишув ҳамда жамоа шартномалари билан белгиланган иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи, унинг кафолатлари, ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш, бандлик ва бошқа ходимларни қонуний манфаатлари ҳимоясини амалга оширади.

**162.** Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бажарилиши, ички меҳнат тартиби талабларига риоя қилиниши, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечилиши, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши ва корхонада нормал психологик ҳолатни ташкил этишига қўмаклашади;

**163.** Иш берувчилар билан муносабатларини ўрнатилган қонунлар, ўз Устави, жамоа шартномалари, мазкур Келишув ҳамда ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида олиб боради.

**164.** “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”, “Касаба уюшмалари, уларни ҳуқуқи ва фаолияти тўғрисида кафолатлари” ва бошқа ходимларни манфаатларига тааллуқли



меъёрий норматив ҳужжатларни бажарилиши устидан жамоа назоратини амалга оширади.

**165.** Қуйидагилар устидан жамоатчилик назоратини кучайтиради:

-иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими билан тўлиқ қамраб олинishi;

-корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни молиялаштириш;

-иш ўринларини меҳнат шароитлари ва ускуналарнинг шикаст етказиши мумкинлиги бўйича шаҳодатдан ўтказиш;

-ташкилотлар раҳбарларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, шунингдек, ишлаб чиқаришда бошқа барча бахтсиз ходисалар ва касб касалликларига доир ахборот олиш;

-меҳнат муҳофазаси аҳолини ўрганиш, иш берувчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномаларида кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришини назорат қилиш;

-ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш;

-ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ходисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга мурожаат қилиш.

**166.** Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловида иштирок этиш учун зарур чораларни кўриш.

**167.** Тармоқ тариф Келишув мажбуриятларини жамоа шартномаларига киритилишини таъминлаб, бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

**168.** Касаба уюшмаси аъзолари учун корхоналарда ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳатхоналарни ташкил этади. Янги ишга қабул қилинган ходимлар билан меҳнат қонунчилиги, бу борада уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари бўйича тушунтириш ишларини олиб боради.

**169.** Ходимлар ва уларни оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдиришга кўмаклашади.

**170.** Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиши юзасидан келиб чиққан келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тенглик асосида икки томонлама Яққа меҳнат низолари комиссиясини тузади.

**171.** Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015й. 20-66-сонли, 15.01.2015 й. 01-СП сонли), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб боради.

**172.** Меҳнат шартномани Иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимномаси касаба уюшмаси қўмитасида 2021 йил 19 мартдаги Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси Кенгаши Ижроия кўмитасининг “Ўзбекистон касабә уюшмалари Федерацияси тизимида мурожаатлар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-37 “с”-сонли қарори асосида кўриб чиқилишини таъминлайди.

173. Ходимларни меҳнат шароитларига тааллуқли меъёрий локал хужжатларни ишлаб чиқишда фаол қатнашади.

174. Ўзбекистон касабә уюшмалари Федерацияси орқали Давлат бршқарув органларига меҳнатқашларни иш шароитига тааллуқли таклифлар киритади.

175. Мазкур Келишувни қуйи ташкилотларга етказди ва бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб боради.

176. Ходимларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлиқларини мустақкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишлари мақсадида спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақалар ўтказди. Тармоқ терма жамоаларининг Республика биринчиликлари ва мусобақаларида қатнашишини таъминлайди.

177. Маданий-маърифий ва соғломлаштириш ишлари бўйича тадбирлар ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди.

178. Касабә уюшмаси ходимларини малакаларини ошириш мақсадида меҳнат қонунчилиги, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув семинарларни ташкил қилади ва ўтказди.

179. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар тузади ва уларнинг фаолияти устидан назоратни ўрнатади.

180. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни сайлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш, жамоа шартномаларга уларнинг фаолиятини самарасини оширадиган мажбуриятларни киритилишини таъминлайди.

181. Корхоналарни меҳнат муҳофазаси устидан энг яхши жамоат назоратини ташкиллаштириш бўйича Республика кўрик-танлов конкурсларида қатнашиши учун ташкилий ишларни амалга оширади.

182. Меҳнат бозорида тенглик асосида рақобат қилолмайдиган шахслар учун квоталаштирилган иш жойларни яратилиши устидан назоратни ўрнатади.

183. Корхонада амалиёт ўтувчи профессионал таълим муассасалари талабалари ва янги ишга жойлашган профессионал таълим муассасалари битирувчиларга бир мартали моддий ёрдам кўрсатади.

184. Корхонанинг барча бўлимларида меҳнат муҳофазаси мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат ўрнатади.

185. Иш берувчининг айби билан иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун моддий жавобгарлигини жамоа шартномаларига киритилишини таъминлайди.

186. Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши, энг кам меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткасинининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

#### **Касабә уюшмаси фаолиятини қафолатлаш соҳасида:**

#### **Ўзбекистон Республикаси “Касабә уюшмалари тўғрисида”ги қонунига асосан Иш берувчи:**

187. Касабә уюшма кўмитаси корхона ходимларининг ягона вакиллик органи эканлигини тан олиб, фаолиятига кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси

**188.** Касаба уюшма кўмитасига корхонани молиявий-иқтисодий аҳволи, иш ҳақидан қарздорлик миқдори, ишчиларнинг сони, ўртача иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги ва бошқа Т-1 статистик ҳисоботи, жамоа шартномаси ва мазкур Келишув бажарилишига доир маълумотларни тақдим этади.

**189.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Муассасаларда ходимлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан ходимларнинг куйидаги тоифалари мазкур келишувга кўра касаба уюшмаси кўмитасининг қарори билан ходимлар вакиллари деб эътироф этиладилар ва ҳамкорлик қиладилар:

- а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари;
- в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

**190.** Касаба уюшмаси ҳуқуқларига риоя этади ва унинг фаолиятига кўмаклашади.;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан касаба уюшмаси сайланма ходимларининг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайди;

-ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар касаба уюшма кўмитаси билан маслаҳатшувлар ўтказди, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда уларнинг розилигини олади;

-касаба уюшма кўмитасининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқади ва унга қабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма шаклда, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар қилади;

-касаба уюшмаси органлари вакилларини улар манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз киритади;

-корхонани молиявий-иқтисодий аҳволи, ишчиларнинг сони, ўртача иш ҳақи, иш ҳақидан қарздорлик миқдори ва бошқа меҳнат статистик ҳисоботи доирасидаги маълумотлар, жамоа шартномаси ва мазкур Келишув бажарилиши тўғрисидаги аниқ ахборотларни Касаба уюшма кўмитасига тақдим этади;

-касаба уюшма кўмитаси таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмасига оид мажбуриятларини иш вақтида бажариш учун вақт беради, бунда иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фоиздан кам бўлмайди;

-касаба уюшма кўмитасига жамоа шартномасида белгиланган мақсадлар ва миқдорларда маблағлар ўтказди;

**191.** Ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан (1%) касаба уюшмасининг аъзолик бадалларини марказлашган ҳолда ушлаб қолиб, уларни ўз вақтида касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказди.

**192.** Касаба уюшма кўмитаси ўз фаолиятини амалга ошириш учун хизмат хонаси, мебель, транспорт, алоқа воситалари ва канцелярия моллари билан бепул таъминлайди, ишларида зарур бўладиган ахборот воситалар билан таъминлайди, шу жумладан “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарига обуна бўлишда кўмаклашади;

**193.** Касаба уюшма кўмитаси аъзоларига касаба уюшмаси юқори органлари томонидан чақириладиган Қурултой, Пленум ва Раёсат мажлисларида, турли комиссиялар ишида, ўқув семинарларида қатнашиш ва бошқа меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этиш бўйича вазифаларни адо этиш учун, иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан ҳоли вақт ажратади ва зарур ҳолларда хизмат сафари

харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва ҳ.к.) корхона ҳисобидан қоплайди.

**194.** Ҳар чоракда иш ҳақи фондининг 1,0 % миқдорида маблағни куйидаги мақсадларга касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилишига эришади:  
-меҳнат жамоаларида маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт-соғломлаштириш ишларини амалга ошириш;

-ходимларни ижтимоий қўллаб-қуватлаш чораларини амалга ошириш,

**195.** Ходимларни ижтимоий манфаатлари ҳимоясига доир масалаларни ҳал қилиш мақсадида касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Қўмитанинг коллегияси йиғилишларида қузатувчи сифатида иштирок этади, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси эса корхонанинг бошқарув органига киритилади.

**196.** Асосий ишдан озод этилган касаба уюшма қўмитаси раисига корхона раҳбари ўринбосарининг иш ҳақи миқдорида лавозим маоши белгиланади.

**197.** Касаба уюшма қўмитасининг ҳақ тўланадиган аппарати (раиси)ни сақлаб туришга маблағ етишмаган ҳолларда, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро келишувига асосан, унга иш берувчининг маблағлари ҳисобидан устама ўрнатиш тартиби жамоа шартномасида белгиланади.

**198.** Асосий ишдан озод этилмаган касаба уюшма қўмитаси раисига меҳнат жамоаси манфаатини кўзлаб жамоат ишларини бажаришга, шунингдек, касаба уюшмаси ўқувида қатнашишига ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бўш вақт беради ҳамда 30%гача миқдорда устама белгилайди.

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва аъзоларига юқори касаба уюшмалари органлари томонидан чакириладиган Қурултойлар, Пленум ва Раёсат мажлисларида, турли комиссиялар ишида, ўқув семинарларида қатнашиш ва бошқа меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этиш буйича вазифаларни адо этиш учун, иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан ҳоли вақт ажратади.

#### **IV. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш соҳасида**

**199.** Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва иш берувчи вакиллари билан давра суҳбатларини ташкил этади;

**200.** Касаба уюшмани ҳуқуқларига риоя этиб, корхонада унинг қонун билан белгиланган тартибда тузилиши ва фаолият юритишига тўсқинлик қилмайди;

**201.** Корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини – март ойидан кечиктирмай тузади;

**202.** Касаба уюшмаси Республика кенгаши раисини «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АКнинг бошқарув органи ҳайъати таркибига киритади;

**203.** Бошланғич касаба уюшма қўмита раисини корхонанинг бошқарув коллегиял органига киритади.

#### **V. Келишувни амалга ошириш механизми**

**204.** Мазкур Келишув 2022-2024 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК тизимидаги корхона ва ташкилотларида амал қилади.

**205.** Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилинади.

**206.** Мазкур Келишув билан ўрнатилган мажбуриятлари корхоналарни жамоа шартномаларига киритилиши орқали амалга оширилади.

**207.** Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишувни корхонада бажарилишини муҳокама қилиш, жорий йилда бажарилиши тугрисида ҳисоботлар келгуси йилнинг февраль ойидан кечиктирилмасдан тармоқ қесимида умумлаштирилиб томонларнинг қўшма мажлисида муҳокама қилиш.

**208.** Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар, шу билан Келишувга амал қилиш, унинг шартларини тўла ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

**209.** Тарафлар корхоналарда мазкур Келишувни бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ва Келишув бажарилмаган ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида хабар олиш мақсадида икки томонлама комиссияни тузади ва унинг фаолиятига қўмаклашади.

## **VI. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

**210.** Мазкур Келишув 2022-2024 йиллар учун тузилган бўлиб янгиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК таркибига кирувчи қасаба уюшмаси ташкилотини тузган ташкилот ва корхоналарига тааллуқлидир.

**211.** Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар шу билан мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

**212.** Келишув мажбуриятларини бузган ва бажармаганлиги учун мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 34 моддаси ҳамда Маъмурий Кодексининг 49 моддаси билан ўрнатилган тартибда жавобгардирлар.

**213.** Келишув амал қилиш муддатида, мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафлар яқка тартибда Келишувни ўзгартириш ёки олинган мажбуриятларини тўхтатишига ҳақли эмас.

**214.** Мазкур Келишув билан ўрнатилган меъёр ва мажбуриятлари Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларни жамоа шартномаларига киритилиши орқали амалга оширилади, бунда жамоа шартномалари март ойидан кечиктирмай тузилади.

**215.** Тарафлар мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йилнинг якуни бўйича Келишув бажарилишини ўрганиб томонларнинг қўшма мажлисида муҳокама қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш;

216. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятлар бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

217. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни Тарафлар томонидан тасдиқланган икки томонлама комиссияси амалга оширади.

218. Томонларидан бирининг қайта ташкил этилиши ҳолатида Келишувнинг бажариш ҳуқуқи ва мажбуриятлари унинг ўрнига ташкил этилган ворис ташкилотга ўтади ва янги Келишув қабул қилингунгача ёки амалдаги Келишувга қўшимча ва ўзгартириш киритилгунгача ўз кучини сақлаб қолади.

“Ўзмаҳсусмонтажқурилиш”  
акциядорлик компанияси  
Бошқаруви Кенгаши  
раиси

Ўзбекистон транспорт, йўл ва  
капитал қурилиш, қурилиш  
индустрияси ходимлари касаба  
уюшмаси Республика Кенгаши  
раиси

  
А.Х. Шодиев

  
А.К. Нугманов

